

Конститутсия куни арафасида ёшларга ИД-карталар топширилди.



Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси қабул қилинганлигининг 32 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида Қумқўрғон туманида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Навбатдаги тадбир Қумқўрғон туман ҳокимлиги фаоллар залида бўлиб ўтди. Унда 16 ёшга тоълган муносабати билан ёшларга Вилоят ИИБ оъринбосари Ш.Шодиев ҳамда туман ИИБ ўринбосари Х.Пардаев, туман ИИБ бўлими Фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходимлари томонидан фуқаролик ИД-карталари тантанали равишда топширилди.

Мазкур тадбир ёшлар учун эсда қоларли бўлиб, уларга Конститутсиянинг аҳамияти ҳамда фуқаролик бурчлари ҳақида тушунчалар берилди. Туман бўйлаб Конститутсия куни муносабати билан байрам тадбирлари давом этмоқда.